

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Вилоят рухий касалликлар  
шифохонаси

**Харид комиссиясининг раиси**

**М.А. Сандов**

« » 16 2022 ийл



Шифохона bemorlariiga issik ovkat билан таъминлаш аутсорсинг  
хизматини курсатувчи ташкилотларга талаб этиладиган хизматлар ва  
хужжатлар рўйхати

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

## СУРХОНДАРЁ-2022 йил

### МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Танловнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган махсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат кисми
- V Боб. Шартнома шакли

### I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

#### A. Умумий маълумот

Танлов предмети  
Мазкур танлов хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар  
Танлов комиссиясининг вазифалари  
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гурухининг вазифалари  
Қатнашчига танловда катнашиш учун кўйиладиган малака талаблари  
Танлов доирасида хужжатларнинг махфилигини таъминлаш

#### B. Танлов хужжатлари

Танлов хужжатининг таркиби  
Танлов хужжатларига аниқлик киритиш  
Танлов хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

#### C. Танлов хужжатларини тайёрланиши

Танловда катнашиш харажатлари  
Танловда кўлланиладиган тил  
Танлов таклифини ташкил килювчи хужжатлар  
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунириш  
Муқобил таклифлар  
Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

#### D. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати  
Танлов таклифларининг очилиши

#### E. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш  
Тўлов шартлари  
Шартномани имзолаш

#### F. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

##### 1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конуни ва Харид килиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

##### Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари кўйидагилар:

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, Рухий Шифохона диспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатиш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: 5 кун давомида

Хизматларнинг максимал нархи: 457 000 000 сўм.

Танловга кўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча киймат солиғисиз билан.

Ишлар танлов хужжатларининг тижорат кисмидаги жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 31 кун.

##### 2. Мазкур танлов хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари хисобидан вилоят рухий касалликлар шифохонаси беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи ташкилотни аниклаш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан максад – мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниклаш. Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

**Буюртмачи** – Сурхондарё вилоят рухий касалликлар шифохонаси  
Манзили: 100190, Термиз туман Халкобод МФЙ

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат ҳаридлари бўйича мутахассис бош хисобчи уринбосари Жураев Ш,У, ;  
Тел.: (94) 265-02-31

### 3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

- танлов ўтказиш тартиб-коидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танловни ўтказади;
- танлов талабгорларига тааллукли барча ҳужжатларни тақдим килиш, муддатини узайтириш тўғрисида карор кабул килиш;
- танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
  - талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чикишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда конун ҳужжатлари талабларига катъий риоя килиш;
  - зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
  - ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

**Танловнинг ташкилотчиси** - Ишчи гурух. Унинг вазифасига кўйидагилар киради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чикилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар ҳом ашё биржасининг [www.dxarid.uzex.uz](http://www.dxarid.uzex.uz) порталаida эълон беради;
- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чикилишини таъминлайди.

### 4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

- катнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил килади ва кўриб чиқади;
- энг яхши танлов нарх таклифини аниклади, ғолибни аниклади ва карор кабул килади.

**Катнашчи** - мулкчилик шакидан катъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

**Катнашчи:**

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- факат битта таклифни тақдим этиш ҳуқукига эга;
- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча кайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқукига эга.

### 5. Катнашчига танловда катнашиш учун кўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган кўшимишча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов катнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов катнашчилари куйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишилиги тўғрисидага маълумотнома;
- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдикловчи гувоҳноманинг нусхаси;
- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқукини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон килингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

### 5.2. Малакали танловдан ўтган катнашчи танлов комиссиясига

- катнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- катнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- катнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз хисобидан коплади.

5.4. Танловда ғолиб чиқкан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлов ғолиби** – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танловда энг паст нарх тақлиф килган танлов катнашчиси.

**Захирадаги қатнашчи** – танлов ғолибидан кейинги ўринда турған паст нарх тақлиф килган катнашчи.

### 5.5. Танловга куйидаги катнашчилар кўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошка ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун конуний хукукка эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор килиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк хисоб ракамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган; Буюртмачи куйидаги ҳолларда иштирокчани харид тартиб-таомилларида катнашишдан четлаштиради, агар:
- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собик мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органинг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай кимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф килиши, бериши ёки беришга рози бўлганилиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараённида харакатлари юзасидан карор қабул килиши ёки ҳар қандай ракобат тартибини кўллаши;
- иштирокчи конунга хилоф равишаадолатсиз ракобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

## **6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш**

6.1. Тушган тақлифларнинг кўриб чикилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий хисобланади ҳамда танлов тартиб-қоидасига расман алокадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор килинганлиги учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **7. Танлов ҳужжатининг таркиби**

7.1. Танлов катнашчиси унга берилган танлов ҳужжатини ва шу билан бирга барча қўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чикиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб килинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул килинмаслигига олиб келади.

### **8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиши**

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга кадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиши учун танлов комиссиясига ёзма равиша мурожаат килишлари мумкин:

8.2. Танлов комиссиясий талабгорнинг сўровига кўра Танлов тақлифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини қўрсатмаган ҳолда танловнинг барча катнашчиларида мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлик саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### **9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши**

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга кадар камида 3 кун олдин танлов комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиши учун етарли бўлган вакт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишига ҳақлидир.

## **В. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

### **10. Танловда катнашиш харажатлари**

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлик бўлган барча харажатлар катнашчининг маблағлари хисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх тақлифидан кўрсатилган нарх танлов тақлифи нархи хисобланади.

10.3. Танлов тақлифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Махсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солик ҳамда бюджет ва бюджетдан ташкири жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга кадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига караб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлов тақлифлари исталган боскичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб каралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

### **11. Танловда қўлланиладиган тил**

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган тақлифлар, Буюртмачи ва катнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

### **12. Танлов тақлифини ташкил килувчи ҳужжатлар**

12.1. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов катнашчиларидан тақдим этилган Танлов тақлифларини тасдиқлаш учун кўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб килиши мумкин.

### **13. Тақлиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш**

13.1. Қатнашчи танлов тақлифини катъий равишида мазкур танлов ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов тақлифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Катнашчи таклиф этилаётган махсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

#### 14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган махсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

#### 15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танловда иштирок этиш учун катнашчи танлов хужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун катнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкilotning ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, муҳр кўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг хар бир вараги имзоланган холда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув каторлари орасига кўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш холатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

#### 17. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати

17.1. Катнашчиларининг танлов таклифлари xarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати хеч кандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандинда эслатилган тасодифий холатлардан ташкари).

17.3. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун колгунга кадар танлов катнашчиси ўз тақлифларини кайтариб олиши ёки тақлифа ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлов катнашчиси томонидан танлов хужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

#### 18. Танлов таклифларининг очилиши

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 иш кундан кўп бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов таклифларни кўриб чиқади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов катнашчилари томонидан эътироф этилган ташкilotлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танловга кўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган холда алоҳида санаб ўтилади.

### Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАХОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

#### 19. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тијорат жиҳатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тијорат.

19.2.1. Танлов таклифларини баҳолаш вактида Танлов комиссияси танлов катнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Катнашчиларнинг тијорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш максадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли махсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича конунчиллик асосида қўшимча қўшилган киймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб хисоб килинади.

19.3. Танлов катнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тијорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини караб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх таклиф килган катнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Якун чиқариш ва танловнинг ғолиби тўғрисидаги карор танлов комиссияси томонидан кабул килинади. Голибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан кабул килинади. Танлов комиссияси раисининг овози хисобга олинмайди факат имзоси билан комиссия аъзолари карорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов хужжатлари шартларига мос келмайдиган хар кандай танлов таклифларини кабул килиш ёки рад этиш хукукини ўзида олиб колади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган катнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) хар кандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йигилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкilotчиси танлов ғолибига танлов якунланганда қейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz маҳсус порталида эълон килади.

#### 20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлов хужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов

комиссияси:

катнашчига танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофилик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиласидаган, умумий нархга тузатиш киритиладиган карор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан ракамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофилик мавжуд бўлса, у холда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қиласидаган.

20.2. Агарда катнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун катнашчи хукуки бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлов куйидаги холларда бўлиб ўтмаган деб эълон килинади:

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки факат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов хужжатларига кўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов хужжатлари шартлари билан талаб килинадиган хужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча катнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич кийматидан анча юкори бўлса.

20.5 Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон килиниши танлов қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

## 1. Танлов

### Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

#### 21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлов ғолиблари ўртасидаги шартнома танлов ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг [www.xarid.uz](http://www.xarid.uz) маҳсус порталида эълон килинган кундан бошлаб уч кун муддат ичидаги тузилади.

21.2. Агар Танлов ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у холда Буюртмачи танлов комиссияси карорига мувофик кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги катнашчини танлов ғолиби деб эътироф этиши ёки тақорорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

#### 22. Шартномани имзолаш

22.1. Фолиб катнашчи З (уч) кун муддат ичидаги Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Фолиб деб топилган катнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги катнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлов ғолиби микдор, сифат ҳамда техник кўрсатичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса конун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

## II БОБ. Танлов таклиф шакллари

1-шакл

№ \_\_\_\_\_-лот

### Танлов қатнашчисининг ташкилий тузилмаси

Танлов қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ  
ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

2-шакл

№ \_\_\_\_\_-лот

### (Катнашчининг фирма бланкасида)

№ \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_ сана

### Катнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли

Танлов савдолари иштирокчисининг номи: \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон раками: \_\_\_\_\_

Факс: \_\_\_\_\_

Юридик ақоми: \_\_\_\_\_

Ташкил этилган жойи ва санаси: \_\_\_\_\_

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: \_\_\_\_\_

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: \_\_\_\_\_

Доимий ва вактинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Вактинчалик ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Вактингчалик ишловчи ходимлар:

Танлов катнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, худудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари];
- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];
- омборхона жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];
- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------	--------------------

Катнашчи номи: [Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юкорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ \_\_\_\_\_ -лот

3-шакл

Иштирокчи:

#### Махсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топшириқ талабларини бажариш учун маҳсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5
1		Танлов ном ва Лот рақами		
2				

Катнашчи номи: [Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юкорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

#### III БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

##### 1. Умумий маълумотлар

1.1. Хизматларнинг тўлиқ номи: Вилоят руҳий касалликлар шифохонаси беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги микдори 1-жадвалда келтирилган.

1.2. Буюртмачи: Вилоят руҳий касалликлар шифохонаси

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аникланди.

1.4. Хизмат кўрсатиш мuddati: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 120 кун ичida.

1.5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ МАБЛАГЛАРИ хисобидан.

1.7. Хизмат кўрсатувчи ташкилот Вилоят руҳий касалликлар шифохонаси диспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

т. Иш куни навбатчилик асосида хар кун хисобланади.

Вилоят руҳий касалликлар шифохонаси беморларига иссик овқат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Вилоят руҳий касалликлар шифохонаси беморларига иссик овқат билан таъминлаш аутсорсинг хизмати	порц	20 000

#### IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Вилоят руҳий касалликлар шифохонаси беморларига иссик овқат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Вилоят руҳий касалликлар шифохонаси беморларига иссик овқат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини	порц	20 000

#### Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эхтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ копланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлов, соликлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар кўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлов таклифлари танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган хисобланиб, танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

#### 2. Танлов валютаси

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

#### 3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 28

2022 йилгача деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва 2021 йилгача давом этади.

#### 4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30%, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

#### 5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Сурхондарё Вилоят руҳий касалликлар шифохонаси 2022 йил бюджет маблаглар хисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома конунчилик хужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.

#### Коррупцияга қарши курашиш бўйича

## АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиб тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик килмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл кўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳукуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали (@anticorbot);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим кора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_

Буюртмачи:

Вилоят руҳий касадликлар широхонаси

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_



[Иштирокчининг номи ва почта манзили]

Вилоят руҳий қасалликлар шифохонаси 190100 Термиз т,  
Харид комиссиясига

2022 йил "\_\_\_" соат 17:00 гача (маҳаллий вакт билан) ОЧИЛМАСИН

Вилоят руҳий ҳастликлар шифохонаси диспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатиш бўйича танловда иштирок етиш.

Таклифни келиб тушган санаси "\_\_\_" 2022 й.

Вакт \_\_\_ соат. \_\_\_ дақика

\* Тижорат таклифидан электрон қабул килиш танлов комиссияси котиби томонидан амалга оширилади:

Жураев Ш.У.;

Тел.: (94) 265-02-31

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Иштирокчилар қуидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун конуний ҳукукка эгалик;

соликлар ва бошка мажбурий тўловларни тўлаш бўйича карздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз изярчиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги.